

Рамазоннинг ғайритабиий нури



03:30 / 10.04.2023 4401

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “(Аллоҳ таоло айтди:)

Шаҳодат, намоз, ҳаж, закот, жиҳод - ўзингиз учун, рўза эса - Мен учундир”.

Муборак Рамазонда рўза тутишнинг ички маъноси - бу, нафақат кўзга кўринарлик даражада иймон кучини, ўзининг Аллоҳга бўлган талпинишини ҳис этиш, балки Аллоҳнинг яқинлашишини, Унинг сенга бўлган яқинлигини, сен орқали Уни намоён бўлишини англаш ҳамдир.

Рамазон рўзаси (шунинг учун ҳам бу ой муқаддас деб аталади), - бу нафақат сенинг Унга талпинишининг, балки Аллоҳнинг ҳам сенга алоҳида талпинишидир. Нима учун? Чунки, бу дунё яратилишидан аввал, У сен билан тузиб қўйган аҳду-паймонини эслашинг учун: **“Мен сизларнинг Роббингиз эмасманми?”**.

Бироқ бу хотира - интеллектуал, енгил ва мавҳум тушунча эмас, балки, чуқур, шахсий, қайталанмас ва муқаддас руҳий кечинмадир.

Яна, аҳду-паймонни эслаш, англаш - бу “ҳозир ва шу дамда” дегани, яъни бу ердаги ҳаётингда, Аллоҳ, фақат сен учун берган топшириғини

бажаришдек, ягона мақсадингни ҳис қилиб яшашингдир.

Бу сенинг ҳаётинг, ва унда нималар содир бўлишидан қатъий назар, ҳеч нима тасодифан содир бўлмаган. Қудратли Аллоҳ таоло ҳеч нимани тасодифан содир қилмайди, чунки, У ҳамма нарсани олдиндан тақдир қилиб қўйган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Қазои-қадарга иймон келтириш - Ислоннинг бир қисмидир”. Ва яна: “Кимки қазои-қадарга иймон келтирмаса, у биз билан эмас!”**.

Бинобарин, бу дунёда, тасодиф бўлмаганидек, ҳамма нарса олдиндан тақдир қилинган. Аллоҳ таоло Қуръонда кескин таъкидлайди: **“Мен Вақтичоғлик учун сизларни яратмадим”**.

Бу дунёда, инсон ҳаётининг ҳаёлий қарама-қаршиликлари нималардан иборат? Энг биринчи ўринда, инсон ўз ҳаёти давомида, онгли равишда, аниқ бир мақсадга юзланиши керак. Ҳар бир инсон, якуний маъносини ифодаловчи, ўз тақдирий мақсади билан туғилади. Ва бу мақсадни унга на ота-онаси, на ижтимоий-иқтисодий муҳити, на ҳукумат ва партиялари, ва на ижтимоий ва моддий маданият тараққиёти тақдир қилмаган, балки фақат ва фақат Аллоҳ таоло тақдир этган. Фақатгина чин кўнгилдан ва чуқур иймон келтирган мусулмонгина бу мақсадни тушуниши, идрок этиб, англаши ва бажариши мумкин.

Буюк аллома ва шоир Жалолиддин Румий, бу ҳақда мурасасиз равишда шундай деган: “Ҳар ким ўз мақсади билан туғилади. Агар бу мақсадни бажара олмаса, демак у ҳаёти мобайнида ҳеч нима қилмабди”.

Ердаги инсоният ҳаёти давомида, мутлақо оммавий тақдири, икки ҳил йўсинда намоён бўлади. Биринчидан, бу мақсадни, сендан бошқа ҳеч ким бажара олмайди.

Иккинчидан, бу вазифани, мақсадни англаб, тушуниб, бажаришни фақат Аллоҳ таолонинг ёрдами билан, фақат Унинг Ўзи билангина эплай оласан. Чунки, бу мақсадни нафақат ўзинг учун, балки ҳеч нимага муҳтож бўлмаган Қодир Аллоҳ учун ҳам амалга оширасан. Шунинг учун Аллоҳ таоло деди: **“Рўза - Мен учундир”**.